



## ИНВЕСТИЦИОН-ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШДА ИСЛОМ МОЛИЯ-КРЕДИТ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ АҲАМИЯТИ

Сайдирасулов Л.А.

E-mail: laziz\_uzbek@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7227976>

### ARTICLE INFO

Received: 03<sup>rd</sup> October 2022

Accepted: 10<sup>th</sup> October 2022

Online: 19<sup>th</sup> October 2022

### KEY WORDS

инвестицион-инновацион ривожланиш, ислом молия-кредит соҳаси, ислом молия-кредит институтлари, ислом молияси фундаментал асослари, исломий молиявий воситалар ва шартномалар: мушорака, муробаҳа, мудораба, сукук, истисно, ижара.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши унинг инновацион молиясига асосланган молия-кредит соҳасининг инновацион ривожланиш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ. Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига йилдан-йилга хорижий инвестицияларнинг кириб келиш ҳажми ошмоқда. Лекин бунда ислом молия-кредит институтларининг Ўзбекистон иқтисодиёти модернизациясига киритаётган инвестициялар ҳажми нисбатан пастлигича қолмоқда. Бундай ҳолат Ўзбекистон иқтисодиёти модернизациясига ислом молия-кредит институтларининг молиявий инновациялари ва инвестицияларини янада кўпроқ жалб қилишга қаратилган

### ABSTRACT

Ушбу мақолада инвестицион-инновацион ривожланишда ислом молия-кредит институтларининг ўрни, ислом молия-кредит институтларининг фаолият йўналиши ва улар томонидан мамлакатимизга йўналтирилаётган инвестициялар салмоғини кўпайтириш масалалари келтирилган.

назарий хулоса ва тавсиялар бериш, амалий таклифлар ишлаб чиқишни тақазо этади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан яратилган тараққиёт дастурлари асосида амалга оширилаётган давлатнинг замонавий макроиқтисодий сиёсати, унинг асосида яратилган қулай инвестицион муҳит ва мавжуд ресурслар мамлакат иқтисодиёти модернизациясига ислом молия-кредит институтларининг молиявий инновациялари ва инвестицияларини янада кўпроқ ва барқарор жалб қилинишини таъминлайди.

Ислом молия-кредит тизими (МКТ) мазмуни шариат қонунларига асосланган МКТнинг Ислом модели




доирасидаги эволюционлашиб борувчи маҳсулотлар ва шартномалар билан боғлиқ.

Ҳозирда мутахассисларнинг ислом молия-кредит институтларининг турли жиҳатларини очиб беришга қаратилган бир қатор ишлари маълум бўлиб, уларнинг фикрига кўра мазкур моделнинг мазмун-моҳияти ва маҳсулотлари қуйидаги мазмун ва хусусиятларга эга.

Ислом МКТ 1980-йилларнинг жаҳон аренасига чиққанлигига қарамай, ҳозирда замонавий мумтоз (англо-саксон ва Европа) МКТ ривожланишида унинг ўрни кенгайиб борапти. Бундай

тенденция ислом МКТнинг исломий бўлмаган мамлакатлар учун инновацион бўлган маҳсулотларининг мазмун-моҳияти ва хусусиятларига ҳамда уларнинг фундаментал асосларига – шариат қонунларига (1-расм) – кўпдан боғлиқ.

Ислом МКТ тамойиллари фақатгина судхўрликни ман қилиниши билан боғлиқ эмас, балки кенгроқ доирада тушунилади. 1-расмдан кўриниб турибдики, ислом МКТ шариат аҳкомларига риоя қилади ва шариат қоидаларига зид келган молиявий операция ва инструмент (восита)лар ислом МКТда қўлланилмайди.



**1-расм. Ислом МКТнинг фундаментал асослари**

Ҳозирда ислом МКТ йилдан-йилга барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги ва исломий молия инновацияларининг бир қатор афзалликлари сабабли, унга қизиқиш ортиб борапти. Масалан, бугунги кунга келиб дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатда (жумладан Ғарб давлатларида) 400 дан ортиқ ислом молия институтлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг умумий


активлари 3 млрд доллардан ортиқ, йиллик ўсиш суръати эса 10-15 фоизни ташкил қилади.

Ислом банклари активлари 2004 йилда 250 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2006 йилда 500 млрд. АҚШ долларини, 2010 йилда 1 трлн долларни, 2019 йилда 1,75 трлн. АҚШ долларини ва 2021 йил охирига келиб эса 3 трлн. АҚШ долларини ташкил этди. Демак, ислом банклари активларининг йилдан-йилга юқори суръатлар билан ўсиб боришига



кўпдан исломий инновацион воситалар ва шартномалар (2-расм) сабабдир. Кўриниб турибдики, исломий молиявий воситалар ва шартномалар ҳамда

уларнинг сони ва ҳажми йилдан-йилга ортиб, такомиллашиб ва инновационлашиб бормоқда.



## 2-расм. Исломий молиявий воситалар ва шартномалар эволюцияси

Таҳлилчиларнинг молиявий инқироз юз беришидан олдин ва ҳозирда қилган башоратларига кўра, ислом молия институтлари йиллик 10-15 фоиз ўсиш суръатида 2025 йилга келиб 5 трлн. доллардан ортиқ капитални ўз қўлида жамлаши мумкин. Тахмин қилинадикки, Форс кўрфазидаги бир қатор араб мамлакатларида 2022 йилга келиб исломий молиявий хизматлар улуши 50 фоизга етади. Жануби-Шарқий Осиёда мавжуд ўсиш суръатларида худди шундай кўрсаткич 15-25 фоизни ташкил этади.

Ислом банклари, суғурта (такафул) компаниялари, ихтисослашган фондлар, исломий облигациялар (суқуқ) қатор ғарб давлатларида молия бозорининг ажралмас қисмига айланди. Бошқа, яна бир муҳим сабаб ахборот

технологияларининг ривожланиши туфайли кенг оммага чайқовчилик (спекулятив) ва судхўрлик воситалари ва усулларида фойдаланишни ман қиладиган ислом МКТ ҳақида маълумотларнинг очиқлиги ҳисобланади. Ниҳоят, Ғарб ва Шарқ мусулмонлари орасида исломий молиявий маҳсулот ва хизматларга талабнинг ўсиши ҳам бу ерда муҳим роль ўйнади.

Мамлакатимизга ислом молия-кредит институтларининг инвестицияларини жалб қилиниши Ўзбекистон МКТга янги молиявий инструментларни ва узоқ муддатли инвестицияларни кириб келишига замин яратади. Бу эса банкларнинг хизматлар доирасини кенгайтишига, аҳоли ва компаниялар учун янги қулайликларни яратилишига олиб келиши мумкин.

### References:

1. Р.И.Беккин Ислом иқтисодий модели ва замон. Тошкент, "Ўзбекистон" 2019
2. Глобал инқироздан чиқиш: ислом иқтисоди. Тошкент, "Iqro-nashr" 2022
3. Беккин Р.И. и др. Исламские финансы в современном мире. Москва, Умма, 2004.
4. Рашид Низамеев. Перспективы Исламской экономики и финансов. Казань, июнь 2009.



5. Rifaat Ahmed Abdel Karim, Simon Archer: Islamic Finance: The New Regulatory Challenge Samir Alamad. Financial Innovation and Engineering in Islamic Finance, 2018
6. А. Журавлев: “Исламский банкинг” Садра 2020
7. Журавлев А.Ю. Принципы функционирования исламских банков // Исламские финансы в современном мире. Экономические и правовые аспекты. – М., 2004.
8. Львова Н. Исламские банки: особенности, проблемы, перспективы развития. Вестник СПбГУ. Сер. 5. 2013, -с.100
9. Петров А., Зарипов И. Исламские банки: концепция, история возникновения, современное состояние и перспективы развития // Деньги и кредит. – М., 2002. – № 10. – С. 51-55;
10. Темиров А.А. Исломиё банклар ва уларнинг фаолият тамойиллари // Иқтисодийда инновациялар.№4, 2018. С.34-41.
11. Харун С., Нурсафиза В. Исломиё молиялар ва банк тизими фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти. Б.Жўраев таржимаси. –Т.:Ўзбекистон, 2014.